



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК МУТАФАККИР ВА ҚОМУСИЙ ОЛИМ АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг ноёб асарлари ҳамда опамшумул кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим, Илк Ренессанс даврининг ёрқин намояндаси Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган етакчи халқаро илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш мақсадида:

1. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма), ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2022-2023 йилларда буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

ЮНЕСКО Бош конференцияси қарори билан Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКОнинг 2022-2023 йилларда нишонланадиган халқаро юбилейлар рўйхатига киритилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ой мuddатда Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш бўйича ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга оширишни ва қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини масъул ижрочилар, молиялаштириш манбалари ва миқдорларини аниқ белгиланган ҳолда тасдиқласин: республикамиздаги Абу Райхон Беруний номи билан боғлиқ обид ва қадамжоларни, шу жумладан, Абу Райхон Беруний шарафига ўрнатилган ёдгорлик мажмуаларини мукамал таъмирлаш ва уларнинг ҳудудларини обдонлаштириш, “Буюк Беруний мероси” халқаро сайёҳлик маршрутларини йўлга қўйиш;

олимлар ва мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида ишлаб чиқилган концепция асосида Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2023 йил якунига қадар Абу Райхон Беруний мажмуасини қуриш ва унинг ҳудудида илмий-маърифий, маданий ва дам олиш ҳамда туризм объектлари фаолиятини ташкил қилиш, ушбу масалалар икки ой мuddатда Вазирлар Маъкамасининг тегишли қарори белгиланган тартибда қабул қилинишини ташкил қилиш;

▶ Давоми 2-бетда



ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

АСОСИЙ МАҚСАД — ЯХЛИТ ТИЗИМНИ ЯРАТИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ИШ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Бугун юртимизда халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги давлат барпо этмоқдамиз. Шунингдек, жорий йилнинг 17-19 август кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида тузилмага аъзо давлатлар Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг туртинчи кенгаши бўлиб ўтди.

Ушбу билан бирга, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ҳамда уни 2022 йил — Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури билан адолат ва қонуни устуворлигини таъминлаш, мамлакат хавфсизлигини кучайтириш борасида ички ишлар органлари олдига ҳам бир қатор долзарб вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат БОБОЖОНОВ билан сўхбатимиз ҳам ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар, давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда ШХТга аъзо давлатлар ички ишлар вазирлари кенгаши ишига оид масалалар юзасидан бўлди.

▶ Давоми 3-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

ЕР ОСТИ ЗАХИРАЛАРИ ТЕЖАЛИШИГА ВА АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Ер аҳолиси сонининг муттасил кўпайиши, sanoatнинг жадал ривожини, табиийки, электр энергиясига талабнинг кескин ортишига сабаб бўляпти. Бугунги кунда инсоният дуч келаётган катта муаммолардан бири ҳам айнан энергетика ресурслари билан боғлиқ.

Шу боис, ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишни бугун замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, муқобил манбалардан фойдаланиш ер ости захираларини тежаш, атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини камайтириш имконини беради.

▶ Давоми 4-бетда

МУНОСАБАТ

ТАМОМИЛА ЯНГИ ДАВР ЭШИКЛАРИ ОЧИЛДИ



Шу йилнинг 22 августидан эътиборан биз — Ўзбекистон тадбиркорлари учун тамомила янги давр бошланди. Давлатимиз раҳбарининг биз билан очик, холис, ҳар жиҳатдан фойдали мулоқоти кўплаб имтиёз ва энгилликларга йўл очди. Хусусан, тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига ойдинлик киритилди. Бундан буён ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат ва фақат суд тартибида амалга оширилади.

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ: ҚУЛАЙ ВА ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКСИЗ



Сўнги йиллардаги ислохотлар натижасида аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай ва тезкор давлат хизматлари кўрсатишнинг замонавий инфратузилмаси барпо этилди. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида 2017 йилда ҳар бир туман ва шаҳарда Давлат хизматлари маркази иш бошлади.

Бу марказлар орқали кўрсатилган хизмат турлари тўрт йил давомида 4,5 баробар ортиб, 37 тадан 176 тага етди. Ушбу хизматларнинг 10 таси жорий йилнинг 6 ойи давомида йўлга қўйилди. Аҳамиятлиси,

кўрсатилган хизматларнинг 52 таси текин. Ҳозир марказларда 2 минг 250 дан зиёд ходим меҳнат қилмоқда.

Давлат хизматларини кўрсатиш ва ушбу соҳани ривожлантиришда

аҳолига янада қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнги уч йилда Президентимизнинг давлат хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан яхшилаш ва модернизация қилиш бўйича 30 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди. Натижада 200 дан ортиқ давлат хизмати қайта кўриб чиқилиб, соддалаштирилди, талаб этиладиган ҳужжатлар сони 2 баробар (221 тадан 95 тага), хизмат кўрсатиш мuddатлари 499 кундан 271 кунга (46 фоиз) қисқартирилди.

▶ Давоми 2-бетда

МАЪДАНЛАРГА БОЙ ТОШҚАЗГАН КОНИ УНДА СУНЪИЙ ОЛМОС МАНБАИ — ГРАФИТ БОЙИТМАСИ БИСЁР



ИННОВАЦИЯ

Бундан бир неча йиллар олдин “инновация”, “ноу-хау” ва “акли” технологиялар, дастурлар кўпчилигимиз учун нотаниш тушунча эди. Аввалига уларнинг ҳаётимизга кириб келишию соҳаларда татбиқ этилишига, самара беришига шубҳа билан қараган бўлсак, бугун рақамли дастурлар билан ҳамнафас яшашга, робототехникалар билан бирга қадам ташлашга ўрганиб қолдик. Инновацияларни амалга оширишга қаратилган ислохотлар онда-сонда қўлоғимизга чалинадиган ибораларни луғатимиздаги фаол сўзлар қаторига қўшди.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

БУЮК МУТАФАККИР ВА ҚОМУСИЙ ОЛИМ АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

аллома илмий-ижодий меросига мансуб кўлэзма ва бошқа маданий бойликларни реставрация қилиш, уларни ишончли сақлаш учун зарур шароит яратиш;

Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими ва Хоразм Маънавий академиясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда маданий мерос объектлари, шу жумладан, археология мероси объектлари, музей ашёларини реставрация ва консервация қилишга ихтисослашган лаборатория ташкил қилиш ҳамда уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш;

Абу Райхон Беруний меросини ўрганиш мақсадида халқаро миқёсда кенг қўламли илмий излашлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш, шу мавзуда илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш, хорижий олимларнинг асарларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр қилиш;

қоқори сифатли медиа маҳсулотлар ҳамда аудиовизуал асарлар яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериш бориш, Интернет ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, дунё миқёсда ҳештег ва челленж каби тарғиботнинг замонавий технологияларини қўллаш;

Абу Райхон Беруний сиймоси тасвирланган, алломанинг илмий-ижодий меросига бағишланган почта маркалари ва конвертлар туркумини яратиш, тақвимлар ва кўргазмалар ахборот воситалари, эсдалик тангалари, кумуш ва олтин юбилей тангаларини муомалага чиқариш;

умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицейлар ва касб-хунар мактаблари ўқувчилари ўртада Хоразм вилоятида тегишли фан бўйича Абу Райхон Беруний номидаги халқаро фан олимпиадасини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари, Ўзбек миллий маданий марказлари, ватандошлар жамиятларида Абу Райхон Беруний илмий-маърифий мероси, унинг инсонпарварлик голяларини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида илмий анжуманлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш;

илмий доиралар, халқаро экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг тақлиф-мулоҳазалари асосида бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Жамғарма Ташкилий кўмитанинг ишчи органи этиб белгиланган ва ташкил қорарда белгиланган вазифалар бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб босин.

4. Ташқи ишлар вазирлиги:

Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий меросини дунё миқёсда чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган шахсларни ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида Абу Райхон Беруний номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш;

Абу Райхон Беруний юбилейига бағишланган тадбирларни тегишли хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил қилиш;

хорижий мамлакатлардаги Абу Райхон Беруний ёдгорлик мажмуаларида қурилиш ва обodonлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борсин ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ташкилий кўмитага тақлиф киритсин.

5. Фанлар академияси, Маданий мерос агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий давлатларда сақланаётган Абу Райхон Беруний ҳаёти ва илмий-ижодий мероси ҳамда у яшаган даврга оид кўлэзмалар ва бошқа маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг факсимиле нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш, таққиқ этиш ва давлат электрон каталоги ҳамда ЮНЕСКОнинг рақамли кутубхонасига жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Абу Райхон Беруний ҳаёти ва меросини таққиқ этиш бўйича илмий-таққиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ илмий лойиҳалар танловини эълон қилсин.

7. Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил декабрда қадар “Беруний ва ёшлар” махсус дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. Бунда, Абу Райхон Беруний ҳаётига оид маълумотлар, унинг илмий-маърифий асарлари жамланган мобиль илова яратсин ва ёшлар ўртасида кенг оммалаштирсин.

8. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ташкилий кўмита томонидан белгиланадиган мuddатларда:

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида Абу Райхон Беруний ҳаёти ва фаолияти, унинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасига бағишланган халқаро илмий-амалий конференциялар ҳамда илмий-маърифий тадбирларни ташкил қилсин;

Тошкент шаҳрида Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига бағишланган халқаро анжуманини ўтказсин;

б) Абу Райхон Берунийнинг барча асарларини тўплаш асосида босқичма-босқич алломанинг тўлиқ асарлари туркумини Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, араб ва форс тилларида нашр этиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2022 йил 25 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

МУНОСАБАТ

ТАМОМИЛА ЯНГИ ДАВР ЭШИКЛАРИ ОЧИЛДИ

Серикбой РАҲМЕТОВ,
“Agro eksim gold” МЧЖ раҳбари

“Очиқ мулоқотда тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалалари ҳам тубдан қайта кўриб чиқилди. Тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Уларга нисбатан мажбуриятлар юклайдиган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганди, йўл қўйган хатоси учун тадбиркорга 6 ой давомида жазо қўлланилмайдиган бўлди.



Бошланиши 1-бетда

— Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳокимларнинг эътиборини бир масалага қаратмоқчиман — мулк ҳуқуқига оид қарорларни улар томонидан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Яъни ҳуқуқ берувчи ҳужжатни фақат суд ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин бўлади, — деди Президентимиз.

Буни қарангки, орадан икки кун ўтиб, давлатимиз раҳбарининг “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкнинг муносабатларга асосис эрлашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашуви даражасини ошириш чора-тадбирларни тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Бу, албатта, тадбиркорлар билан учрашувда айтилган гаплар,

билдирилган тақлифлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланаётганидан далolat беради.

Очиқ мулоқотда тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш масалалари ҳам тубдан қайта кўриб чиқилди. Тадбиркорларга нисбатан янги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Уларга нисбатан мажбуриятлар юклайдиган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганди, йўл қўйган хатоси учун тадбиркорга 6 ой давомида жазо қўлланилмайдиган бўлди.

Шунингдек, савдо соҳасида фаолият кўрсатадиган тадбиркорларнинг етти ухлаб тушига кирмаган ўзгариш юз берди, яъни савдо қоидаларини бузганлик учун жиноий

жавобгарлик тўлиқ бекор қилинди. Жиноят кодексининг 189-моддасига дахлдор бу ўзгариш минглаб ишбилармонларнинг ўз қаддини ростлаб олишига имкон беради. Биринчи марта хато қилган кичик бизнес вакилларига жазо чораси қўлланилмайдиган ва бунинг ўрнига камчиликларни бартараф этишга солиқ идоралари кўмакчи бўладиган тизим жорий этиладиган бўлди. Жарималар микдори эса бундан кейин тадбиркорларнинг тўлаётган солиғидан ошиб кетмайди.

Буларнинг барчаси узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг ёрқин натижасидир. Биз буларга амалий ишлар билан жавоб берамиз. Халқимизда қозонинг қуюқ қайнагани чўчимда кўринади, деган гап бор.

Жамоамиз биргина 2021 йилда 3,5 миллион долларлик мева-сабзавот ва кунжут маҳсулотларини Қозғистон, Ироқ, Озарбайжон ва Туркия давлатларига экспорт қилгани бу хулосанинг амалий исботидир. Мазкур кўрсаткичи жорий йилда 4 миллион долларга етказишни ўзимизга реал режа қилиб олганмиз. Биз, тадбиркорларнинг экспорт фаолиятимиз хар томонлама қўллаб-қувватланар экан, бундан, биринчи навбатда, оддий халқимиз манфаатдор бўлади.

Мисол учун, биргина Эллиқалъа туманидаги мен бошқараётган “Agro eksim gold” масулияти чекланган жамияти 3,6 гектарлик замонавий иссиқхона ва унча катта бўлмаган кунжут плантацияси орқали 140 нафардан ортиқ ишчи, асосан, хотин-қизлар ва ёшлар ўз оилаларини бекаму кўст таъминлаб келмоқда. Албатта, биз яқин истиқболда янада кўпроқ элдошларимизни иш билан банд қилишнинг чораларини кўраемиз. Сабаби, кам сув талаб қиладиган экинлар плантацияларини кўпайтириш билан бирга, улардан олиннадиган хомашё ва маҳсулотларни қайта ишлайдиган корхоналарни қуриш бўйича аниқ режа ва лойиҳаларга эгаемиз.

Менинг ва минглаб мендек ишбилармонларнинг бундай истиқболли режа ва лойиҳалари Президентимиз ҳамда давлатимиз томонидан мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб келинаётгани Янги Ўзбекистоннинг чин маънода тадбиркорлар мамлакатига айланаётганидан дарак бермоқда. Демак, биз бу ишларни амалда янада жонлантиришимиз, мамлакатимизни жаҳоннинг энг илгор давлатларидан бирига айлантиришимиз керак.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ: ҚУЛАЙ ВА ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКСИЗ

Русланбек ДАВЛЕТОВ,
адлия вазири

Бошланиши 1-бетда

Давлат хизматлари марказлари орқали 2018-2022 йилларда жами 40 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатилди. Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича бир кунда ўртача 45-50 минг аҳоли Давлат хизматлари марказлари хизматларидан фойдаланмоқда. Хусусан, биргина жорий йилнинг олти ойи давомида 5,5 миллиондан ортиқ давлат хизмати кўрсатилган.

Олис ва чекка ҳудудда яшовчи фуқароларимизга енгиллик яратиш, уларнинг вақтини тежаш мақсадида 900 мингдан ортиқ сайёр (мобиль) давлат хизмати кўрсатилган. Шундан жорий йилнинг 6 ойи давомида кўрсатилган сайёр хизматлар сони 270 мингдан ортиқни ташкил қилди.

“

БЮРОКРАТИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 4 ТА “ПАКЕТ” ҲУЖЖАТ АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАРДАН 73 ТУРДАГИ ҲУЖЖАТ ВА МАЪЛУМОТНОМА ТАЛАБ ЭТИЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ, 400 ТАДАН ОРТИҚ ТАРТИБ-ТАОМИЛНИ СОДДАЛАШТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ. НАТИЖАДА ЙИЛИГА ЎРТАЧА 20 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ФУҚАРОНИНГ ОВОРАГАРЧИЛИГИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ ВА УЛАРНИНГ ҚАРИЙБ 300 МИЛЛИАРД СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒИ ТЕЖАЛАДИГАН БЎЛДИ.

Фуқаролар овозагарчилигининг олдини олиш мақсадида туман (шаҳар) марказидан 50-100 километр узоқ ҳудудларда 141 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Давлат хизматлари марказларининг 170 та замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Қисқа мuddатларда барча марказларни замонавий бино билан таъминлаш чоралари кўрилди ва бу жараён давом этмоқда.

Бюрократиянинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган 4 та “пакет” ҳужжат аҳоли ва тадбиркорлардан 73 турдаги ҳужжат ва маълумотнома талаб этилишини бекор қилиш, 400 тадан ортиқ тартиб-таомилни соддалаштириш имконини берди. Натияжада йилига ўртача 20 миллиондан ортиқ фуқаронинг овозагарчилигига чек қўйилди ва уларнинг қарийб 300 миллиард сўмдан ортиқ маблағи тежаланди.

Аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланишини осонлаштириш мақсадида

рухсатнома). Қонун билан 49 та лицензия, 120 та рухсат берилган ҳужжати, 33 та хабарноманинг яқуний руйхати тасдиқланган. Соҳада илм маротаба хабардор қилиш институти жорий этилди.

Битта ҳужжат билан барча низомир тасдиқланди, шу соҳани тартибга солувчи 250 дан ортиқ ҳужжат бекор қилинди. Энди аҳоли аввалгидек 200 дан ортиқ ҳужжатга мурожаат қилиб юрмайди.

“Лицензия” ахборот тизими яратилди ва жараён электронлаштирилди. Натияжада лицензия ва рухсатномалардаги мавжуд 15 мингдан ортиқ талаб ва шарт 2 баробар, лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириб бериш мuddатлари 2-3 баробар қисқартирилди. Лицензия ва рухсатномаларни махсус бланкаларда чоп этиш учун хар илмий сарфланадиган 13 миллиард сўм маблағ ва қарийб 1,2 миллион пачка қоғоз тежаллишига эришилди.

“

ТЎЛИҚ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ ОРҚАЛИ 80 ДАН ОРТИҚ ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ. 32 МИНГТА ЭЛЕКТРОН ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИЛДИ. НАТИЖАДА 40 МИНГ ФУҚАРОНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАНЛАРГА ОВОРА БЎЛИБ КЕЛИШИ, 100 МИНГ МАРОТАБАДАН ОРТИҚ КЕЛИШИШ УЧУН БОШҚА ОРГАНЛАРГА БОРИШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ. УЛАРНИНГ БОРИШ-КЕЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ 2 МИЛЛИАРД СЎМГА ЯҚИН МАБЛАҒИ ТЕЖАЛДИ.

бугунги кунда шахсни идентификациялашнинг Мобиль-ID тизими ишлаб чиқилмоқда. Ушбу тизим фуқароларга электрон рақамли имзосиз ҳам барча давлат хизматларидан фойдаланиш имконини яратади.

Масалан, ҳозир 3,1 миллиондан ортиқ фаол электрон имзо мавжуд бўлиб, уларнинг амал қилиш мuddати 2 йилни ташкил этади. Мобиль-ID тизими эса мобиль алоқа хизматларидан фойдаланаётган 24 миллион аҳоли учун алоҳида флеш-картани олиб юрмасдан хизматлардан фойдаланиш имконини беради.

Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган барча хизматларни экстерриториал тамойил асосида кўрсатиш йўлга қўйилди. Яъни аҳоли ва тадбиркорларимиз доимий рўйхатдан ўтган жойидан (пропискага) ёки яшаш жойидан қатъи назар, исталган ёки узига қулай жойдаги Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиб, хизматлардан фойдаланиши мумкин.

Давлат органлари иш услубини ўзгартириб, фаолиятини рақамлаштириш чораларини кўряпти, бекор бўлган ҳужжатларни аҳолидан талаб қилмаслик учун ўз ахборот тизимини шакллантирмоқда. Натияжада аҳолининг электрон (масофавий) давлат хизматларидан фойдаланиш улуши 15 фоиздан ошди. Юздан ортиқ хизмат тўловчи қисқартирилди, 2 турдаги хизмат учун тўлов ундирish бекор қилинди, 50 та хизмат бепул кўрсатилмоқда.

Аҳолига қулайлик яратиш ва тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда муҳим йўналиш — лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш. Бир йил олдин “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан 100 га яқин қарор ўз кучини йўқотган, деб топилди ва ягона тартиб белгиланди.

Лицензия ва рухсат бериш ҳужжатлари 30 фоиз қисқартирилди. 102 та лицензия бекор қилинди (68 та лицензия, 34 та

Фуқароларнинг 5-10 та идорага бориб келишига чек қўйилди.

Тўлиқ электрон тизим орқали 80 дан ортиқ лицензия бериш йўлга қўйилди. 32 мингта электрон лицензия берилди. Натияжада 40 минг фуқаронинг лицензияловчи органларга овоза бўлиб келиши, 100 минг маротабадан ортиқ келишиш учун бошқа органларга боришининг олди олинди. Уларнинг бориш-келиши билан боғлиқ 2 миллиард сўмга яқин маблағи тежалди.

Шу билан бирга, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги қилинадиган ишлар талайгина. Хусусан, бугунги кунда барча давлат хизматларини комплекс ривожлантириш ва рақамлаштириш бўйича дастурий ҳужжат мавжуд эмас. Барча давлат идоралари хизматларини ўзига мос тарзда кўрсатмоқда. Ваҳоланки, давлат хизматини кўрсатишда, биринчи навбатда, аҳоли манфаатлари ва уларга қулайлик нуктаи назаридан ёндашиш лозим.

Аҳолига давлат хизматларининг аксарияти ҳамон аънавий шаклда кўрсатилаётганда, Масалан, 750 та давлат хизматидан 325 таси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, шундан 172 таси Давлат хизматлари марказлари ҳиссасига тўғри келади.

Кўрсатилаётган хизматлар улушида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш жуда кам. Шу сабабли электрон давлат хизматлари кўрсатиш қўламини кенгайтириш бўйича ҳам давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Бу эса мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, фойдаланувчиларга сифатли ва тезкор давлат хизматларини тақдим этиш имконини беради.

Тизимдаги бу каби ислохотлар аҳолининг давлат хизматларига талабини самарали қондириш, мустақил равишда ҳудудларга кириб бориши, аҳоли ва тадбиркорларга қатор йўналишларда қулайликлар яратилишига хизмат қилади.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ – АМАЛДА

АСОСИЙ МАҚСАД – ЯХЛИТ ТИЗИМНИ ЯРАТИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ИШ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ



Бошланиши 1-бетда

— Яқинда пойтахтимизда ШХТга аъзо давлатлар Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирлари кенгаши бўлиб ўтди. Суҳбатимиз аввалида ушбу нуфузли тадбирнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, эришилган натижалар бўйича маълумот берсангиз.

— Ўзбекистон томони раислигида ўтган кенгашида ШХТга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирликлари раҳбарияти ва вакиллари, шунингдек, ШХТнинг доимий органлари иштирок этди. Ташкилотдаги кузатувчи давлатлар, халқаро ташкилотлар, жумладан, Интерпол, МДХга аъзо давлатлар ҳудудда уюшган жиноятчилик ва бошқа хавфли жиноятларга қарши курашишни мувофиқлаштириш бюроси, МДХга аъзо давлатларнинг терроризмга қарши курашиш маркази вакиллари таъриф буюрди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган кенгашида делегациялар раҳбарлари халқаро ва минтақавий хавфсизлик, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш масалалари борасида фикр алмашди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар савий-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги тўғрисида юқори даражадаги келишувларга эришилди.

Халқаро майдонда юзага келаятган бугунги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирликлари йўналиши бўйича ШХТ доирасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш масаласи ҳам кенгаши кун тартибидан ўрин олди.

Терроризм, экстремизм ва сепаратизм, ғиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси каби жиноятларга қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш долзарб ҳисоблангани қайд этилди. Вазирлар бир овоздан “Шанхай руҳи” тамойилларига мувофиқ, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида очик мулоқот ва амалий ҳамкорлик муҳимлигини таъкидлади.

Томонлар 2010 йил 11 июнда ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида Тошкентда имзоланган битимни амалга ошириш доирасида Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирликлари ўзаро ҳамкорлиги орқали ШХТнинг келишув-ҳуқуқий базасини янада тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон томони ШХТга аъзо давлатлар Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг тўртинчи кенгашига пухта тайёргарлик кўрганли ва тадбирлар юқори ташкилотчилик даражасида ўтганини эътироф этди. Тадбир сўнггида кенгаши баённомаси имзоланди.

Шунингдек, аввал эришилган келишувларга мувофиқ, тадбир доирасида ШХТга аъзо давлатлар Ички ишлар вазирликлари делегациялари раҳбарлари ўртасида алоҳида икки томонлама учрашувлар ҳам ташкил этилди.

Хусусан, Ҳиндистон ички ишлар давлат вазири Нитянанд Рай, Қозғистон Республикаси ички ишлар вазири Марат Аҳметжонов, Тожикистон Республикаси ички ишлар вазири Раҳимзода Рамазон Ҳамро, Эрон Ислом Республикаси ички ишлар вазири Аҳмад Воҳидий ва Қирғиз Республикаси ички ишлар вазири Улан Ниязбеков билан икки томонлама учрашувлар ўтказилди.

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ РЕАЛ ВАҚТ РЕЖИМИДА ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗО МУДДАТИНИ ЎТАЁТГАН ШАХСЛАРНИ МАСОФАДАН ТУРГАН ҲОЛДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ТЕХНИК ТОПШИРИҒИ ЛОЙИХАСИ ТАСДИҚЛАНДИ ВА ҲОЗИР ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИ ВАЗИРЛИК ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ЯҒОНА БОШҚАРУВ ПЛАТФОРМАСИГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИНДИ.

Музокаралар чоғида жиноятчиликка қарши курашиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида икки томонлама идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, трансгеғаравий характердаги жиноятларга қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Учрашувларда ҳозирги замондаги жиноятчилик турлари, хусусан, ахборот соҳасидаги жиноятчилик, терроризм ва экстремизм, ноқонуний миграция, наркотик ва қурол-яроғ савдоси, одам савдоси каби жиноятларни ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон Ички ишлар вазирликлари ўртасида узок муددатли ҳамкорлик чора-тадбирларини назарда тутувчи идоралараро алоқалар борасидаги битим имзоланди.

Умуман олганда, Тошкентда ташкил этилган барча тадбирлар ишчанлик ва конструктив руҳда, дўстлик, ўзаро ишонч муҳитида ўтгани давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

— Албатта, ички ишлар органларида қўлга киритилаётган ютуқларни, аввало, тизимда кечаётган ислохотлар самараси сифатида баҳолаш лозим. Юртимизда жиноятчиликни жилловлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Жорий йилнинг биринчи ярмида ички ишлар органларидаги туб ислохотлар Президентимизнинг фармони ва қарорлари ҳамда соҳага оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида изчил давом эттирилди. Бунда мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишни яхлит, мутлақо янги тизимни шакллантириш ва замонавий иш услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Авваламбор, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш, бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашишга доир муаммоларни бевосита жойларнинг ўзига ҳал этиш чоралари қўрилди.

Мисол учун, турли низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий-маиший муаммоларни бевосита маҳалланинг ўзига манзилли ҳал этиш ишларига профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли жалб этила бошланди.

Натижада 8348 та оиладаги нотинчликка барҳам берилди, 3182 та оила ажралиб кетишдан сақлаб қолинди, ичкиликка ружу қўйган 1938 киши, 218 ғиёҳванд ва 1828 руҳий бемор даволатилди, уйма-уй юриб, 8503 нафар аёлнинг муаммолари ҳал этилди.

Худудлардаги криминоген вазиятдан келиб чиқиб, ҳар бир маҳалла “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилди. Криминоген вазият оғир худудларга ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда жиноят ўчоқларини бартараф этиш учун қўшимча куч ва воситалар жалб қилинди.

Шунингдек, сектор раҳбарлари томонидан жиноятлар сабабларини “маҳаллабай” ва “соҳабай” ҳамда жиноят ҳалли эришилган шакллантирилган қилмишларини суд ҳукмлари асосида муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Натижада мамлакатимиздаги ҳар иккинчи ёки 4951 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Ўтган даврда жиноятчиликни жилловлаш, содир этилган жиноятларни фож этиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, содир этилган жиноятларнинг 94 фоизи фож этилди, тергов органларидан яширинган 2841 нафар шахс қўлга олинди, бедарак йўқолган 252 киши топилди.

Ҳодимлар ташаббуси билан биргина коррупция соҳасида 817 та жиноят



Бундан ташқари, республика миқёсида “Хавфсиз ҳудуд”, “Турмуш” ва “Назорат” тезкор-профилактика тадбирлари ўтказилди. Мазкур тадбирлар давомида 11 мингдан ортиқ оиланинг муаммолари, турмуш тарзи ўрганилиб, улар билан яқна тартибдаги профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Ёшлар орасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чоралари қўрилди. Жумладан, кўчаларда назоратсиз юрган воёга етмаганлар аниқлашиб, оилаларга қайтарилди ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун спорт секциялари, факультатив тўғрисида жалб этилди.

“Хавфсиз таълим муассасаси” таъмоили асосида умумий ўрта таълим мактабларида воёга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўқувчилар билан мунтазам махсус профилактик тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида 80 минг 274 нафар ўқувчининг яшаш шaroити ўрганилди. Фарзандларини тарбиялаш, уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятини бажармаган ота-оналар маъмурий жавобгарликка тортилди.

ўрин эгаллайди. Шундай экан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қандай янги услуб ва минтақавий амалиётлар олиб борилмоқда?

— Республиканинг ҳар бир ҳудудида Жамоат хавфсизлиги концепцияси ижросини таъминлаш мақсадида “соҳабай” чора-тадбирлар амалга оширилди. Айтиш жоизки, ҳар кун патруль-пост хизматининг 4 мингга яқин ходими пиёда ва автопатруль йўналишларида хизматга жалб этилади. Улар ярим йил ичида жамоат жойида содир этилган 651 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликни аниқлади. Айнан ушбу соҳа вакилларининг касб маҳорати туфайли республика миқёсида ўтказилган юз мингдан ортиқ оммавий-маданий тадбирда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги тўлиқ таъминланди.

Жорий йилнинг 11 февралда давлатимиз раҳбари хузурида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ислохотларнинг янги босқичи бошланди.

Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида барча светофорлар ва йўл белгиларини ўрнатиш ҳамда йўл чизиклари чизиш вазифаси вазирлиқнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати зиммасига юклатилиб, унинг хузурида “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси ташкил этилди. “Йўл ҳаракати қоидалари” янги таҳрирда қабул қилинди.

Барча худудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш ва хавфсиз ҳаракатланиш учун шaroитларини яратиш мақсадида “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастури тасдиқланиб, 2022-2026 йиллар мобайнида ҳар бир худудда автомобиль йўлларида ҳаракатни бошқариш тизимини ҳамда жамоат транспортини рақамлаштириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Ушбу соҳада ҳам профилактик чораларга катта эътибор қилинмоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг худудий бошқармаларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН БУГУНГИ ВАЗИЯТНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА, ИЧКИ ИШЛАР ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ШХТ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ ҲАМ КЕНГАШИ КҮН ТАРТИБИДАН ЎРИН ОЛДИ. ТЕРРОРИЗМ, ЭКСТРЕМИЗМ ВА СЕПАРАТИЗМ, ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ КАБИ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ ҲИСОБЛАНИШИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.

ган ҳолда янги иш услубларини татбиқ этиш, инсон омилни камайитириш ҳамда фаолиятни рақамлаштириш чоралари қўрилмоқда.

Жумладан, 4 минг 670 та таянч пункти оптик толали алоқа тизимига уланди. Бунинг натижасида онлайн суд ўтказиш учун 3 минг 805 та жой ташкил этилиб, 40 мингдан ортиқ маъмурий иш суд биносига бормасдан туриб онлайн тарзда кўриб чиқилди. Шу тариқа олис худудларда яшовчиларнинг ҳам вақти, ҳам маблағи тежалди. Айни вақтда ходимлар бодикамера, планшет ва замонавий радиостанция воситалари ёрдамида кунлик хизмат вазифаларини бажариб келмоқда. Шунингдек, “102” тизими тўлиқ ишга туширилиб, унга келган ҳар бир хабарни тизимга кириштиш ва ижросини электрон тарзда назорат қилиш имконияти яратилди.

Бугунги кунда республиканинг деярли ҳар учинчи туман ва шаҳар марказидаги аҳоли жавғум жойларга ўрнатилган видеокамералар ички ишлар органларининг “Ситуация марказлари”га интеграция қилинган бўлиб, вазиятни узлуксиз кузатиш имкони мавжуд. Мазкур тизимлар босқичма-босқич ўзаро интег-

— Келгусида вазирлик олдида турган муҳим вазифалар хусусида ҳам маълумот берсангиз.

— Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз. Хусусан, жиноятчиликни “маҳаллабай” жилловлаш борасида илмий нуқтани назардан асослантирилган янги услуб ва усулларни амалиётга жорий этган ҳолда, ҳар бир худудда комплекс тезкор-профилактик тадбирларни “хонадонбай” ва “фуқаробай” усулда амалга оширамиз.

Бу борада “қизил” тоифадаги маҳаллаларда содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шaroитларини бартараф этишга қаратилган манзилли профилактик тадбирлар кучайтирилади. Келгусида доимий эътибор қаратилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати шакллантирилади ва “Ҳуқуқий эътибордаги шахслар реестри”га кириштилади. Шу тариқа ҳуқуқбузарликларнинг психологик ва ижтимоий профилактикаси ташкил этилади.

Пробация ҳисобидаги маҳкумлар, алимент тўловчи ва ишсиз фуқароларни меҳнат бозорига эҳтиёж юқори касб-хунарга ўқитиш орқали улар доимий иш ўринлари билан таъминланади. Наркология соҳасини ривожлантириш борасида белгилаб олинган комплекс чора-тадбирлар ижросини тўлиқ таъминлаш орқали ичкиликка ружу қўйган, ғиёҳвандликка чалинган шахсларни давлатиши ишлари кучайтирилади. Жамоат жойларига ўткир маст ҳолатида бўлиб, атрофидагиларга хавф тугдирувчи шахсларга туманлараро тиббий ёрдам кўрсатилиши таъминланади.

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишда профилактика инспекторлари жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини йўлга қўймоқчимиз. Профилактика инспектори лавозимидан пенсияга чиққан тажрибали мутахассисларни ёш профилактика инспекторларига жамоатчилик асосида маслаҳатчи сифатида бириктириш ҳам режамизда бор.

Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳар бир худуд кесимида йўл инфратузилмасини яхшилаш, ҳаракатни бошқариш тизимини рақамлаштириш, ҳайдовчиларни тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш ҳамда транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни кучайитириш бўйича “Хавфсиз ва равон йўл” концепциясида белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси тўлиқ таъминланади.

Ички ишлар вазирлигининг Ситуацион-тахлилий маркази платформасига давлат органлари ахборот базаларини интеграция қилиш, ахборот технологияларини ички ишлар органлари хизмат фаолиятига кенг татбиқ этиш ва рақамлаштириш даражасини ошириш чоралари қўрилди. Хусусан, жиноятчиликни жилловлаш, жамоат тартибини сақлаш ва сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамли таҳлил ва ситуацион бошқарув тизимлари республиканинг барча худудларида босқичма-босқич жорий этилади. Натижада содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ҳамда криминоген вазиятни суъний интеллект ёрдамида “маҳаллабай” ситуацион таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизими яратилди.

Бир сўз билан айтганда, келгусида ҳам жиноятчиликни жилловлаш орқали халқимизни рози қилиш борасида маъмурий ва шахсий жавобгарликни ҳис қилган ҳолда фаолиятимизни тақомиллаштириб бориб, ходимларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартиришга ва ўз касбига виждонан ёндашиб, садоқат билан хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратамиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Лутфулла СУВОНОВ суҳбатлашди.



Жорий йилда республиканинг 3-секторларида ёшлар ўртасида волейбол бўйича “Ички ишлар вазири кубоғи” мусобақалари ўтказилди. Бунда ҳар бир маҳаллада волейбол ўйинига қизиққан ёшлар танлаб олинди, улар туман, сўнгра вилоят босқичида ўтказилган қизгин ўйинлардан ўтган, “ЖАР” спорт мажмуасида республика босқичида беллашди. Бу ҳам ёшларнинг спортга қизиқишини оширишга хизмат қилади, албатта.

Шу билан бирга, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида қатор ишлар қилинди. Хусусан, оилавий зўравонлик ва тазйиққа учраган аёллар оилаларида олиб борилган профилактик ишлар ва кўрсатилган психолог ёрдам орқали 12 минг 843 та оила яраштилди, 11 минг 640 та оиладаги низолар бартараф этилди.

Шу ўринда яна бир англикни алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати таркибида 2022 йил 10 январдан қисқа “1259” ва “1286” рақамли “ишонч телефони” ташкил этилиб, унга кўнгирик қилган 5 минг 976 нафар аёлга психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

— Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим

билан ҳамкорликда хизмат олиб борадиган катта инспектор лавозими жорий этилди. Шунингдек, таълим муассасаларида “Йўл ҳаракати қоидалари” ёш тарғиботчиси” клуби ташкил этилди.

Автомобилларнинг воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низо тасдиқланди. Бундан буён мазкур таълим ташкилотлари фаолиятини йил якунилари бўйича инсон омилсиз ҳисоблашнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими яратилди ва унинг натижалари жамоатчиликка эълон қилинади.

— Ички ишлар органларининг фаолиятига рақамли ва ахборот технологияларини фаол жорий этиш, аҳолига электрон давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларга йўл қўймайлик ҳамда идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президентимиз жорий йил 3 май куни Ички ишлар вазирлигида бўлиб, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жамиятда барқарорликни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишга замонавий рақамли технологиялар жорий қилиниши билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбари топшириғига мувофиқ, ички ишлар органларининг кунлик фаолиятига инновацион ёндашувлар ва илм-фан ютуқларига таян-

рация қилиниб, жамоат хавфсизлиги куч-воситаларини бошқариш жараёнига суъний интеллект имкониятлари жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, “Е-воёга етмаганлар” ягона ахборот тизими яратилиб, синов тарихида Тошкент вилоятидаги Воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида жорий этилди. “Е-инспектор”, “Е-хисобот”, “Профилактика инспектори фаолиятини баҳолаш тизими” ва “Е-ҳуқуқ-тартибот” каби жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фойдаланиш учун қатор ахборот тизимларини яратиш юзасидан техник топшириқ лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Пробация хизматининг реал вақт режимида озодликни чеклаш жазо муддатини ўтаётган шахсларни масофадан турган ҳолда назорат қилиш тизими техник топшириғи лойиҳаси тасдиқланди ва ҳозир ишлаб чиқилган ахборот тизими вазирлик томонидан яратилган Ягона бошқарув платформасига интеграция қилинди.

“Оилавий зўравонликлар тўғрисидаги хабарлар” телеграм-боти орқали аризалар қабул қилиниши йўлга қўйилди. “Тазйик” ва зўравонликка учраган хотин-қизлар” ахборот тизими яратилиб, ҳимоя ордерини бериш механизмлари рақамлаштирилди. Хотин-қизларга ҳимоя ордери берилишини электрон назорат қилиш амалиёти ишга тушди. Маиший зўравонликлар ва профилактика инспектори мурожаатини қабул қилиш бўйича алоқа маркази ташкил этилиб, рўйхатга олиш ва назорат бўйича веб-платформалар жорий қилинди.



ИННОВАЦИЯ

Бошланғичи 1-бетда

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, илмий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, натижадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 1 апрелдаги фармонида асосан, 13 та туман инновацион ҳудудга айлантирилган эди. Муайян ҳудуднинг иқтисодий ривожига ҳисса қўшадиган тадқиқот ва ишланмаларни қўллаб-қувватлаб, янги турдаги маҳсулотлар бозорини яратиш мазкур инновацион ҳудудларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугун бу манзиллар илмий лойиҳаларни амалга ошириб, натижасини таҳлил қиладиган ўзига хос тадқиқот майдонига айланмоқда. Аҳамиятли томони, бундай туманларда ҳудудлар иқтисодиётига доир муаммоларни бартараф қилишга ёрдам берадиган инновациялар жорий қилинади.

Кармана инновацион ҳудудда ҳам иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари асосида илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда технологиялар трансферини ташкил этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

— Навоий вилоятида илм-фан, технология, тадқиқот ва таъриба-конструкторлик соҳаларини ривожлантириш мақсадида 13 та лойиҳа амалга оширилиб, юздан ортқ иш ўринлари яратилди, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шаҳобиддин Холбоев. — Маълум туманларни инновацион ҳудудга айлантиришга қаратилган тизим йўлга қўйилган, илм-фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқаруви механизми рақобатлашди. Аҳамиятли томони шундаки, энди ёшларимизнинг лойиҳалари ҳаёлда ёки қозғода қолиб кетмайди. Улар стартап танловларда

қатнашиши, бизнес режаси асосида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкин.

Айтиш жоизки, мазкур тадбирлар ҳудудларда инновацион экотизим ва илм-фанга асосланган иқтисодиётнинг шакллантириш баробарида фаол корхоналар сонини ошириб, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Инновацион янгиликлар қайси соҳаларда татбиқ этилса, ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашиб, ресурслар тежалди. Боиси, стартап танловларига қўйиладиган асосий талаблардан бири ҳам кам харажат билан катта даромадга эришишдан иборат. Бозорга янги маҳсулотлар кириб келиши эса мавжуд муаммоларни ҳал этишда асосий кўмакчи бўлиб, импортни камайтиради, экспорт курсатқини оширишга хизмат қилади. Кармана инновацион ҳудудда амалга оширилаётган лойиҳалар чет эл бозорларидан кириб келаётган маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳаллийсини тақлиф қилиши билан ҳам аҳамиятли.

Графитдан олмос олиш мумкин

Мамлакатимиз кон-металлургия соҳасида кейинги йилларда жадал ривожланимоқда. Бепойн кенгликлар қабридаги қимматбаҳо металлларни қазиб олиш иқтисодиёт тармоқлари ривожига муҳим аҳамиятга эга. Соҳага дахлдор долзарб масалаларни ҳал этишда илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга эътибор қаратиш катта самара бермоқда. Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологиялар маҳсулот сифатининг ошиши, таннархнинг камайиши ва рақобатбардош бўлишига олиб келади.

МАЪДАНЛАРГА БОЙ ТОШҚАЗАН Кони

УНДА СУНЬИЙ ОЛМОС МАНБАИ —

ГРАФИТ БОЙИТМАСИ БИСЁР



эришдик, — дейди лойиҳа раҳбари, геология-минералогия фанлари номзоди Ҳамиджон Аҳмедов. — Мазкур бойитмадан электротехника, металлургия ва кимё соҳасида фойдаланишга яроқли маҳсулотлар олиш имкониятини ўргандик. Айтиш жоиз, “Carbon-Polymer” МЧЖ томонидан олинган юқори сифатли графит бойитмасидан 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Лойиҳа ижрочиларининг таъкидлашича, Тошқазган конида турли тоифалардаги графит рудасининг катта захиралари аниқланган. Мазкур конида мавжуд графит полимие-

олдини олиш учун ҳозирдан сувни тежайдиган, ичимлик сувига қўйиладиган талабларни бажара оладиган илгор технологияларни кенг жорий этиш лозим. Тоша ичимлик сув қишлоқлар, айниқса, чекка ҳудудларда ашайдиган аҳолини қийнайдиган муаммолар рўйхатининг аввалида туради. “Innovation water filters” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳа муқобил энергия, жумладан, қуёш энергияси орқали сувни молекуляр даражада тозалашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Муқобил энергия орқали ишлайдиган сув филтрлари манбаининг ифсолик даражасидан қатъи назар, сувни молекуляр даражада тозалаб, буюрт-



рал рудалар синфига мансуб бўлиб, таркибиде каолин, хлорит, кварц каби қўшимча компонентлар ҳам мавжуд. Ишланмалар натижасида металлургия соҳасининг энг муҳим технологик жиҳозлари — юқори ҳароратли печлар, қолиплар ва оловбардош материаллар ишлаб чиқарилиб, “Узметкомбинат” АЖда импорт ўрнини босувчи маҳаллий янги маҳсулот сифатида муваффақиятли синовдан ўтказилди.

Аналогларидан қирқ фоиз арзон

Маълумотларга қўра, 2040 йилга келиб, жаҳоннинг қўллаб-қувватлари сувнинг ўта танқислиги муаммоси билан тўқнашади. Демак, ушбу муаммонинг

мачининг тоза сув сифатига қўйган ҳар қандай талабига тўлиқ жавоб беради. Мазкур лойиҳа тоза ичимлик сув ва электр энергияси муаммо бўлган чекка ҳудудларда муқобил энергиядан самарали фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, электр энергия ва истеъмолга яроқли сув танқис бўлган чекка ҳудудларда ўзлаштирилмаган бўш ерлардан унумли фойдаланишга ҳам замин яратади.

Импорт ҳисобига олиб келинаётган сувни тозалаш филтрлари анча қимбат. Маҳаллий маҳсулот эса бозордаги нархдан 30-40 фоиз арзон, шунингдек, жаҳон бозорларида ҳам рақобатбардош саналади. Қуёш энергияси орқали ишлайдиган қурилма жаҳон бозориде ўз турдошлари билан бемалол рақобатлаша олади.

Маҳсулот тури, сифати ва ҳажми ошмоқда

Ижтимоий соҳа объектлари, нотураар ва аҳоли турар жойлари учун сифатли, арзон, янги турдаги қурилмиш материалларига талаб ортиб бормоқда. Бугунги кунда қурилмиш материаллари соҳасида илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни кенг жорий этиб, маҳсулот тури, сифати, ҳажминини кўпайтириш баробарида уларни ишлаб чиқаришда тежамкор технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунёдкорлик ишлари қийматининг 55-60 фоизини қурилмиш материаллари ташкил этишини инобатга олсак, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг аҳамиятини англаш қийин эмас.

Тошкент кимё-технология институти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган маҳаллий хомашёлар асосида суперпластификаторлар — бетон қоринмасига қўшилаётган кимёвий қўшимча олиш технологияси йўлга қўйилди.

Айтиш жоиз, лойиҳа доирасидаги ишлар маҳсулот импортини қисқартириш ва республика эҳтиёжининг қамиде 20 фоизини таъминлашга қаратилган бўлиб, маҳаллий хомашёлар асосида суперпластификаторлар олиш йўлга қўйилди.

Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳозирги кунда бетон қоринмаси учун кимёвий қўшимчалар импортнинг 40 фоизга яқини Навоий, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида турти келади. Демак, мазкур маҳсулотни Навоий вилоятида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ҳар томонлама иқтисодий асосга эга.

Ҳозирги технологиялар асрида ҳаётимизни инновацияларсиз тасаввур қилиш қийин. Барча соҳалар ривожини учун, албатта, янги ҳаёт шартлари муҳим аҳамият касб этади. Ҳаётимизда ўйлаб юрган лойиҳаларимизни маҳсулотга айлантириш осон кечадиган жараён эмас. Ишлаб чиқарувчи корхоналар мукамал режага асосан иш қўради. Бу талабга жавоб бериш эса барчамизнинг ҳам қўлимиздан келавермайди. Инновацион ҳудудлар бу борада бизга йўл кўрсатувчи, маҳаллий олимларнинг гоёсини “оёққа тургазувчи” бўлади. Бундай ҳудудлар кўмадида олимлар ўз гоёларини такомиллаштириши, мукамал бизнес режа тузиши, зарур молиявий ёрдамни олиб, маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Гоёдан амалга келган жараёнларни қамраб оладиган тизимли ёндашувлар ҳудудларни иқтисодий юксалтирадиган пиллапоа вазифасини ўтайди.

Феруза ЖўРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

ЕР ОСТИ ЗАХИРАЛАРИ ТЕЖАЛИШИГА ВА АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланғичи 1-бетда

Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам мазкур соҳани ривожлантириш ва энергетика тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Унга қўра, 2026 йилга келиб, электр энергияси ишлаб чиқариш курсатқинини қўшимча 30 миллиард киловатт соатга ошириб, жами 100 миллиард киловатт соатга етказиш, 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилга қарий 3 миллиард куб метр табиий газни тежаш, Ўзбекистон энергетика тизимининг қўшимча давлатлар энергетика тизимлари билан уйғунлиқда барқарор ишлашини таъминлаш, соҳада тармоқларда йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самардорлигини ошириш, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, электромобиллар ишлаб чиқариш, иқтисодиёт тармоқларининг ҳавога чиқарадиган зарарли газлар ҳажминини 10 фоиз қисқартириш вазифалари белгиланган.

Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 90 фоиздан ортиги иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Мазкур станциялар табиий газ ва кўмир асосида ишлайди. Яъни ҳозиргача, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биз газни, валютани ёқиб, электр энергияси оляпмиз.



Қайта тикланувчи электр энергиясини истеъмол бозорига киритиш борасида Жиззах вилоятида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада энг йирик лойиҳалардан бири Ғаллаорол туманида Бирлашган Араб Амирикларининг “Masdar” компанияси томонидан рўёбга чиқарилмоқда. Бу ерда тўлиқ ҳориж инвестицияси эвазига лойиҳа қиймати 150 миллион АҚШ долларлик 220 МВт. қувватга эга қуёш фотозлектр станцияси қурилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда 76 та ижтимоий соҳа муассасасига қуёш панеллари ўрнатиш учун вилоят ҳокимлиги томонидан 20 миллиард 616 миллион сўм ажратилиши юзасидан мақсадли дастур тасдиқланган.

Муқобил энергия қурилмалари қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам кенг татбиқ этилмоқда. Қуёш панелларини

сотиб олиш ва ундан фойдаланишда берилаётган имтиёзлар фермер ва тадбиркорларга айни мuddада бўлмоқда. Жумладан, Зомин туманидаги “Мўъжаз маскан” фермер хўжалигида ўрнатилган қуёш панеллари бир кунда 796 киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу ўн та хонадонни электр билан таъминлашга етади. Фориш туманидаги “Лаззат кафолат” фермер хўжалигида ҳам шомол генератори ва қуёш панеллари ўрнатилиши натижасида бир кунда 316 киловатт соат электр энергияси ҳосил қилинмоқда. Бу эса электр насослари ёрдамида қарий 70 гектар майдонни суғориш имконини бермоқда.

— Жорий йил бошида фермер хўжалигимизни захира электр энергияси билан таъминлаш учун “Ўзэнергоинспекция”нинг Жиззах ҳудудий бўлимига лойиҳа тақдим этгандик, — дейди Зо-

мин туманидаги “Хуршидбек Абдуазимов даласи” фермер хўжалиги раиси Абдулатиф Утаганов. — Бизга қарий 200 миллион сўм сарфланган мазкур лойиҳа ўрнига узлуксиз электр энергияси билан таъминловчи қуёш панеллари ўрнатиш тақлифи берилди. Унинг қўлайликлари ва имтиёзлари тушунтирилди. Турғиси, ушбу тежамкор лойиҳа менга жуда ҳам маъқул бўлди. Натижада фермер хўжалигимизга қуввати 37 киловатт бўлган қуёш панелларини ўрнатдик. Ҳозир экинларни суғориш учун қурилмадан беминнат фойдаланяпмиз. Экинларни суғоришда бир кун ҳам кечикиш, айниқса, ёз пайти ҳосилга катта зиён келтиради. Электр таъминотидаги тез-тез узлишлардан зада бўлган бошқа фермер хўжаликлари ҳам таърибаимизни ўрганиб, қуёш панелларига қизиқиш билдирмоқда.

Дўстлик туманидаги донни қайта ишлаш корхонасида ҳам муқобил электр энергиясини унумли фойдаланилмоқда. Корхонага 3000 киловатт электр қуввати ишлаб чиқарувчи 12 та қуёш панели ўрнатилди. Бу эса донни қайта ишловчилар фаолиятининг барқарорлигини таъминламоқда. — Худудимиздаги қарий барча фермер хўжаликлари суғориш учун электр энергиясидан фойдаланади. Афсуски, айни зарур пайтда баъзан электр таъминотидаги узлишлар деҳқончилигимизга катта салбий таъсир қўрсатаётганиди. Шу сабаб мен ҳам қўшни фермер хўжалигида ўрнатилган қуёш панелларига қизиқиб қолдим. Ушбу қурилма фаолияти билан танишдим. Менга жуда маъқул келди. Уни даламга ўрнатиш учун “Ўзэнергоинспекция”нинг Жиззах ҳудудий бўлимига мурожаат



қилдим. Улар менга жорий йилнинг 1 сентябридан Ўзбекистонда қайта тикланганидан энергия манбаларига асосланган қурилмаларни кенг жорий этишнинг рағбатлантириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилгани, яъни қуёш ва шомолдан электр энергияси ишлаб чиқарадиган ҳар бир ўрнатилган ускуна учун қувватига қараб 15 миллион сўмгача, ушбу энергия манбалари асосидаги сув иситиши ускуналари учун эса 2 миллион сўмгача компенсация тўлини ёки компенсация ўрнига ускунани фойдасиз 3 йилга бўлиб-бўлиб сотиб олиш имконияти берилишини тушунтирдилар. Бу биз учун айни мuddада бўлди, — дейди “Шоҳрух-Дилрух” фермер хўжалиги раиси Баҳром Шомайрамов.

“Жиззах телеком” объектларида 11 та қуёш фотопанели ўрнатилган. Бу билан олти мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатувчи алоқа объектлари электр энергияси билан таъминланган. Шунингдек, Арнасой, Пахтакор, Зафаробод, Шароф Рашидов, Мирзачўл туманларининг “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида ўрнатилган кўча ёриткичлари, Жиззах шаҳри Тошлоқ ва Иттифок маҳаллаларидаги кўп қаватли уйларнинг қириш қисмидаги ёритиш чироқлари ҳам қуёш панелларидан қувват олади.

Айни пайтда Жиззах давлат политехника институтининг энергетика факультетида айнан муқобил энергетикага оид фанлар йиллик ўқув режасига киритилган ва чуқур ўргатилмоқда. Институтда Германиядан грант доирасида умумий қиймати 11 млн евро бўлган қуёш панеллари ва тежамкор чироқларни сингайдиган лаборатория қурилмаси ва қиймати 10 млн еврога тенг қуёш панеллари қурилган.

— Қурилма қуёш панеллари Ўзбекистон шартларида қандай ишлайганини назорат қилиш имконини беради. Бу эса талабаларга мазкур соҳани ўргатишда, илмий иш олиб боришда кўп келади, — дейди институтнинг энергетика кафедраси мудири Мухиддин Анорбоев.

Мазкур лойиҳалар юзасида “яшил энергия” салмогини кўсалтиришга қаратилган дастлабки қадамлар ҳисобланади. Дарҳақиқат, воҳода қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириб бориш учун катта имконият мавжуд. Давлат томонидан мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор ва имтиёзлар эса аҳолини рағбатлантириб, ер ости захиралари тежаллишига, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

БУГУННИНГ ГАПИ

ТАЪЛИМ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШИ МУМКИН БЎЛГАН СЕРМАҲСУЛ УСУЛ

Абдуқаҳор ҒАНИЕВ,
ҚарДУ Педагогика институти директори

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган бугунги кунда инсон капиталига сармоя киритиш, таълимни ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори Ўзбекистонда таълим тизимини замон талабларига мослаштириш, яъни таълимни трансформация қилиш борасида муҳим қадам бўлди.

Таълимни трансформация қилишдан мақсад фан ютуқлари, жумладан, рақамли иқтисодиёт, ақлли роботларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида дунё ҳамжамияти олдига вужудга келган баъзи муаммоларни ижобий ҳал қила оладиган таълим тизимини яратишдир. Булар қандай муаммолар?

Дунё мамлакатлари орасида таълим соҳасидаги номуносиблик кескин ошиб кетган. АҚШнинг Брукнингс институти экспертлари хулосасига кўра, таълимни ривожланмаган мамлакатлар болалари таълимни ривожланганларники даражасига етиб олиши учун юз йилгача вақт керак бўлиши мумкин.

Иқлим ўзгариши ва экологик инқирозлар, хавфли генетик технологиялар вужудга келиши ҳам муаммолардан биридир. Одамларнинг бундай ўзгаришларга ва унинг оқибатларига мослашуви тақозо қилинади.

Маълумотларни сохталаштириш натижасида вужудга келадиган муаммолар, харбий ихтилофлар, зўравонликлар ёшлардан “рақамли билимларни” эгаллаш ва тегишли кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади.

Автоматлаштиришнинг тезлашуви (асосий вазифаларни ақлли роботлар бажариши) кўплаб касблар йўқолишига олиб келиб, танқидий ва ижодий фикрлаш кўникмасига эга бўлиш ва муаммоларни креатив ечишга эҳтиёжни оширади. Бундай мутахассислар тайёрлаш учун эса таълимни инновацион усуллар билан юқори даражага кўтариш тақозо қилинади. Ҳисоб-китобларга кўра, мутахассисларнинг кундалик муаммоларни креатив ечиш кўникмасига эга бўлишининг ўзи ҳам дунёда ялли махсусот ҳажми 2,5 триллион доллар ошишини таъминлай олади.

Демак, трансформациялашнинг асосий вазифаси таълим жараёнида ўқувчиларга ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Айна фикрлаш кўникмаси кишиларни донор ва замонавий муаммоларни ечишга лаёқатли қилиши мумкин. Таълим соҳасини трансформация қилиш эса жамият фаровонлигини таъминлаши мумкин бўлган энг сермахсул жараёндир.

Экспертлар таълимни трансформация қилишни куйидаги уч босқичдан

иборат деб ҳисоблайди: а) аниқ мақсадларни белгилаб олиш; б) таълим методларини аниқлаштириб олиш; в) таълим тизимининг ташкил этувчилари: ўқув дастурлар, инсон ресурслари, баҳолаш усуллари, бошқарув, молиялаштириш, таълим натижаларидан манфаатдор томонларнинг ҳамкорлиги орасидаги мутаносибликни таъминлаш.

Таълимни трансформация қилишда таълим натижалари учун муҳим аҳамиятга эга таълим методлари алоҳида эътиборга молик. Президентимиз таъкидлаганидек, “Мақтабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди”.

Таълим трансформация қилинишини таъминлай оладиган замонавий методларга қўйиладиган талаблар мавжуд. Масалан, геймификация — таълимни ўйинлар (game — ўйин) билан боғлаш мавзунини қизиқарли ва тушунарли қилади. Индивидуаллаштириш — таълимни алоҳида индивиднинг эҳтиёжларига мослаштириш, умр давомида ўрганишни (lifelong learning) ўргатиш ҳам муҳим. Масалан, киши 50 ёшида янги ихтисосликни эгаллаши мумкин.

Шунингдек, маълумотларни вербал кўринишдан визуал, анимацион визуал кўринишга ўтказишнинг аҳамияти юқори. Инсон мияси визуал маълумотлар

ни вербал маълумотларга нисбатан олтимиш марта тез қайта ишлайди. Бундан ташқари, визуал маълумотлар ўқувчилар тасаввурини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Тасаввур эса ижодий фикрлаш, айниқса, ностандарт фикрлашнинг асосидир.

Бугунги кунда Кембриж таълим тизими методларини жорий этиш тавсия этилмоқда. У ўқувчиларга билимларни амалда қўлай олиш, яъни мантқиқий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган. Бу жуда яхши, аммо фан ва техника соҳасидаги улкан кашфиётлар, жумладан, Ренес-

диган мутахассисларга талаб ортмоқда. Бундай кўникмаларга эга мутахассислар жуда юқори баҳоланади ва дунёдаги энг бой компаниялар уларга катта маблағ тикмоқда. Уларни тайёрлаш учун эса таълим тизимига мантқиқий ва ностандарт фикрлаш кўникмаларини шакллантирадиган ва ривожлантирадиган методларни жорий этиш керак бўлади.

Ностандарт фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантириш педагогик технологиясини жорий қилиш учун педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида “Ностандарт фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантириш педагогик технологияси асослари” курсини ўқитишни йўлга қўйиш зарур бўлади. Мақтабга таълим тизимида таълим сифатини кўтариш учун болаларда ностандарт фикрлаш кўникмасини шакллантириш методларини ишлаб чиқиш, бошланғич синф ўқувчиларига табиий фанларни ўқитишда ностандарт фикрлаш кўникмасини ривожлантириш методларини татбиқ этиш лозим. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг физика, биология, кимё фанларидан дарсликлари ностандарт фикрлаш кўникмасини ривожлантириш педагогик технологияси асосида тайёрлаш, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларининг ностандарт фикрлаш кўникмасининг ривожланганлик даражасини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш керак.

Қайд этилганидек, таълимни трансформациялаш таълим тизимининг ташкил этувчилари орасидаги мутаносибликни ҳам таъминлашни тақозо қилади. Унинг асосий талабларидан бири таълим муассасалари ва таълим натижаларидан манфаатдор томонларнинг ҳамкорлигидир. Анкироги, таълим натижаси бўлиши билимларни ишлаб чиқаришга жорий қилишдир. Азалдан билимларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, энг асосий гоғлар фанларро кесимда вужудга келмоқда. Бу эса замонавий мутахассисларга, демак, таълим тизими олдига ҳам янги талабларни қўяди. Энди олий маълумотли мутахассислар турли соҳалардаги билимларни эгаллаши ва ижодий фикрлаш кўникмаларига эга бўлиши, ўз билимларини узлуқсиз равишда ошириши тақозо қилинади. Шу боис, мамлакатлар асосий этиборини муайян соҳаларга қаратмоқда. Масалан, Европа мамлакатлари ва АҚШ асосий этиборини амалий ва фундаментал текширувларга йўналтирган.

Таълим соҳасида вужудга келган яна бир феномен таълим экотизимларидир. Одамлар бундай жамиятларга бирлашади ва илмий изланишлар, яъни муайян фаолият билан шугуллана бошлайди. Масалан, хоржий тилларни ўрганувчилар ҳамкорлик жамоаларини тузади ва қимматли

маълумотлар, ўқитиш методлари, олинган натижалар ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар алмашади. Янги амалиёт сифатида вужудга келаётган таълим экотизимлари таълим жараёнини трансформациялаш омилларидан бири бўлиб, мавжуд муаммолар ечимини таъминлаши мумкин.

Таълим экотизимининг афзалликлари табиатнинг ўзи тасдиқлайди. Чунки эволюциянинг ўзи беҳудга ҳаётни ташкил этишнинг асосий усули сифатида экотизимни танламаган. Таълим экотизими марказида таълим ташкилоти эмас, ўқувчи туради. Шунинг учун у ўзгарувчан ва инсонга мослашувчан бўлиши керак. Бунда таълим керак бўлганда индивидуал, керак бўлганда эса турли гуруҳларда жамоавий ўқитиш кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда исталган таълим муассасаси, жумладан, мактаблар базасида ҳам экотизим тузиш мумкин. Масалан, Норвегияда Арктика соҳилларини ўрганиш мақсадидаги экотизим мактаб ва олий таълим муассасалари базасида тузилган. Ўқувчи ва талабалар амалий лойиҳалар билан шугулланади, натижада турли стартаплар учун зарур маълумотлар олинган ҳақида тижорат лойиҳаларига айлантирилади. Демак, таълим муассасалари экотизимлари учта асос — инфратузилма, илмий жараён ва тадбиркорликдан иборат бўлади. Ўзбекистонда бундай экотизим инфратузилмаси асосини “мақтабга таълим ташкилоти + махсус мактаб интернет + олий таълим муассасаси + иш берувчи” дан иборат “ривожланувчи таълим” кластери бажариши мумкин. Кластерда таълим жараёни ностандарт фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантириш педагогик технологияси асосида амалга оширилса, илмий жараён ва рақамли иқтисодиёт асосидаги тадбиркорлик элементлари ўз-ўзидан юзага келади. Экотизимда таълим бутун ҳаёт давомида амалга оширилади ва ўзгаришларга мослашувчан бўлади.

Юқоридаги қарорда педагоглар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятига уруғ берилган. Тайёрланган педагоглар эса бутун таълим тизимини ўзгартириши мумкин. Демак, у Ўзбекистон таълим тизимига дахлдор.

Президентимиз айтганидек, мактабга таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасалар бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси бўлади.



санс даврларидаги ижод намуналари ностандарт фикрлашнинг махсули бўлган. Шунинг учун нафақат мантқиқий, балки ностандарт фикрлашни ҳам била-

Мантқиқий фикрлаш изчиллик, кетма-кетлик асосида, сабаб ва оқибат категориялари боғлиқлиги тизимида амалга оширилади. У инсон сезгила-ри орқали ташқи олам ҳақида олинган маълумотларни ўзгалар учун ҳам тушунарли тарзда онда қайта ишланишини аналтади. Ностандарт фикрлаш эса танланган йўлдан тўғри ҳаракат қилмай, турли ёндашув ва имкониятларни текширишдир. У фақат шу индивидга хос бўлиб, муаммонинг ўзига хос янги ечимларини топишда намоён бўлади. Келгусида инсон ўз устунлигини исботлаши учун роботлар бажара олмайдиган ишларни қила олиши керак. Роботларга мантқиқий фикрлашни ўргатиш мумкин, лекин уларга ностандарт фикрлашни ўргатиб бўлмайди. Шунинг учун ўқувчиларга таълим жараёнида ностандарт фикрлашни ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассислар фикрича, беш ёшдан, демак, мактабга таълимдан бошлаб болаларга ностандарт фикрлашни ўргатиш, яъни бундай кўникмаларни шакллантиришни бошлаш мумкин.

66 Таълим трансформация қилинишини таъминлай оладиган замонавий методларга қўйиладиган талаблар мавжуд. Масалан, геймификация — таълимни ўйинлар (game — ўйин) билан боғлаш мавзунини қизиқарли ва тушунарли қилади. Индивидуаллаштириш — таълимни алоҳида индивиднинг эҳтиёжларига мослаштириш, умр давомида ўрганишни (lifelong learning) ўргатиш ҳам муҳим. Масалан, киши 50 ёшида янги ихтисосликни эгаллаши мумкин.



МАДАНИЯТ ҲАФТАЛИГИ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ БИЛАН ҲАМ БЕЛГИЛАНАДИ



Таниқли санъаткорлар, театр ва кино актёрлари, маданият соҳаси вакилларида иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳи Қорақалпоғистонга келди. Бир ҳафта давом этган ҳафталик Оралбўйининг барча шаҳар ва туманларида аҳоли учун унутилмас лаҳзаларга бўлди, десак муболага бўлмайди.

— Мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами арафасида бир гуруҳ ижодкорлар туманимизда бўлиб, ҳудуд аҳолисига байрам шукӯҳини инъом этди, — дейди Нукус тумани ҳокими Умрбой Уснатдинов. — Жумладан, санъатимизнинг пухтаҳдан

ташриф буюрган йирик намояндалари истиқлол байрами билан барчани қизгин табриқлаб, она Ватан, тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик ришталари ҳақидаги қўшиқлари билан бутун туман аҳлига хуш кайфият улашди.

Тумандаги тиббиёт бирлашмасида “Меҳр-мурувват ва саховат” акцияси ташкил қилинди. Тадбир доирасида режиссёр Иброҳим Расулов томонидан саҳналаштирилган, улғу шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган “Севги баҳори” кинофильми премьераси бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистоннинг энг олис ва кўп миллилатли Шуманай туманида ҳам мазкур тадбир кўтаринки кайфиятда давом этди.

Туман марказида жойлашган “Мунчоқли” ва “Маданият” маҳалла фуқаролар йиғинида бошланган маънавият фестивали садолари “Қорабойли”, “Бегжап” ва “Деҳқонобод” қишлоқ фуқаролар йиғинларига етиб борди.

Маданият ҳафталиги доирасида “Ўзбекистон Қаҳрамонлари” китоби тақдими ўтказилди.

— Миллатимиз қаҳрамонларига ҳурмат сифатида чоп этилган мазкур китоб-альбомнинг моҳияти, унинг ёшларимизни тарбиялашдаги аҳамияти бекиёс, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг қизи Ойжамол Юсупова. — Бугунги кунда мамлакатимиз ривожига ўз нуносиб ҳиссасини қўшган 103 ватандошимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан

мукофотланган бўлса, шундан саккиз нафари Қорақалпоғистон Республикаси вакилидир. Бу бизга, қорақалпоқ ёшларига катта фахр-ифтихор бағишлаши шубҳасиз.

Қораўзақ туманида ўтказилган тадбирлар ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва туркман тилларида ижро этилган куй-қўшиқларга уланиб кетди.

— Мамлакатимизда миллиятлараро тотувлик мустаҳкамланаётгани, барча соҳалардаги ўзгаришлар, айниқса, халқимизнинг турмуш шароити



тини яхшилашга қаратилаётган ислохотларни қанча эътироф этсак кам. Бугунги тинчлигимиз, осмонимиз му-

саффолигига шукрона келтиришимиз керак, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Зулфия Муминова. — Қолаверса, ёшларни юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишга, Ватанимиз қорига ярайдиган муносиб фарзанд бўлишга қаҳириб қолам.

Бир ҳафта давом этган маънавий-маърифий тадбирларнинг якуний қисми Нукус шаҳридаги амфитеатрда гала-концерт билан якунланди.

Қорақалпоғистонда ўтган тадбирларда мамлакат ривожини, миллият раванки нафақат моддий бойлик, балки халқнинг юксак маънавий қиёфаси билан ҳам белгилашни яна бир бор ўз исботини топди.

МИНАЖАТДИН ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

КҮНГИЛ МИНТАҚАСИ

МИЛЛАТ БАХТИН СЎРАР МИЛЛАТ ОТАСИ



**Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири**

Муборак равзада айлаб дуолар,
Бўлмасин деб харгиз бало-қазолар,
Юрт эгаси сўрар элга зиёлар,
Раббим соясидир — эл химояти,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Муҳаддис боболар руҳига қасам,
Сехру ҳикмат тўла дунёи азим.
Маккатилло сори айладиқ азм,
Бўлмас зиёратнинг кўп, зиёдати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.


Умр — инсоннинг бир саҳатидир,
Умра — Байтуллоҳнинг зиёратидир.
Имону эътиқод риоятидир.
Тилларда Куръоннинг қалб кироати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Уйингга бош уриб келдик, ё Оллоҳ,
Сен биздан огоҳсан, биз кайда огоҳ.
Ё қодир Оллоҳим, ё Қабатуллоҳ,
Қалбнинг роҳати ҳам қалб риёзати —
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Нажот эҳромини биз ўраб келдик,
Энг аввал эл-юртга бахт сўраб келдик,
Кетмас тожу давлат, тахт сўраб келдик,
Бордир хар дуонинг ўз ижобати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Миллат бахтин сўрар миллат отаси,
Кўзлардаги ёшлар — дил ифодаси.
Бунда ниятларнинг йўқ ниҳояси.
Мақсад — юрт толеи, халқ саодати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Саждага бош уриб одил Раҳнамо,
Тинчлик-омонлик деб айлар тавалло.
Ёш авлод камолин сўрар аввало,
Халқ учун бўлди бу Ҳақ шафоати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.



Ўттиз йилдан буён қутилган ташриф,
Ўзинг эл мақомин айладиқ шариф.
Имом Бухорийдан таҳсин ва таъриф —
Ҳақ шарофати бу, Ҳақ инояти,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Муфти ҳазратлари хозир-нозирлар,
Дуога қўл очиб турар вазирлар.
Минг йиллардан сўнг ҳам бунӣ ёзурлар —
Янги замонларнинг зар китобати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Ўтган ота-бобо, оналарни ҳам,
Ўзинг раҳмат қилгил, айлагил қарам.
Жаннат тўрларидан жой бергил, Эгам.
Оналар учундир қарз тиловати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Сендан умидвор зор кўнгиллар учун,
Заҳматқаш опалар, сингиллар учун,
Муқаддас Қабанинг кўрсатил кучин,
Ўқик дилларгадир меҳр ояти,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Кимлар бу кунларга етиб-етмаган,
Асрлар армони дилдан кетмаган,
Ҳазрат Навоийга насиб этмаган.
Недир бу ўқинчнинг сир-синоати?
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Шу боис, олийшон мезбонларни ҳам,
Подшоҳу валиаҳд султонларни ҳам —
Ўзинг даргоҳингда қилгил муқтарам,
Ҳурмат-эҳтироми ҳам итоати —
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Эл-юрт барчамизга жону жаҳондир,
Ота макондир ҳам бобо макондир.
Ватан, она Ватан Ўзбекистондир —
Шавкатли зотларнинг шаъни, шижоати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

Эзулик туғини баланд тутгаймиз,
То дунё тургунча хушёр ўтгаймиз,
Йўлбошчи енида бедор ўтгаймиз,
Ватанин севмоқлик — қалб диёнати,
Бизга насиб этмиш Байт зиёрати.

*Жидда — Макка мукаррама —
Мадина мунаввара — Тошкент*

ИЛМИЙ КАШФИЁТ

ЗАРДУШТИЙЛИК ИБОДАТХОНАСИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ЭТИЛДИ

ЁДГОРЛИК МИЛОДДАН АВВАЛГИ II АСРДАН МИЛОДИЙ VII АСРГАЧА БЎЛГАН МИНГ ЙИЛЛИК ДАВРНИ ҚАМРАБ ОЛАДИ

**Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
Инновацион ривожланиш вазирлиги бош мутахассиси**

Ўзбекистон инсоният тамаддунининг қадим бешикларидан саналади. Наманган вилоятида топилган яна бир тарихий ёдгорлик буни илмий жиҳатдан исботлаб, археология фанини янги маълумотлар билан бойитиш баробарида мамлакатимиз туризм салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилган "Ички ва халқаро туризмнинг Учтепа-Булоқ-Мозор мажмуаси археологик ёдгорликларини ўрганиш ва уларни мовий осмон остида музейга айлантириш" амалий лойиҳаси доирасида Норин туманида зардуштийлик даврига оид қадимий ибодатхона топилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академик Аҳмадали Аскарлов бошчилигидаги илмий жамоа қазиб ишлари давомида қадимги антик даврга оид, ҳудудда зардуштийлик қарашлари ва ислон дини кенг тарқалиши билан боғлиқ ўта ноёб топилмаларни аниқлади. Археологик ёдгорликнинг илмий қиммати, ички ва халқаро туризмни ривожлантиришдаги ўрни беқиёс. Ўз ўрнида шундай бебаҳо ёдгорлик шу пайтга қадар олимлар эътиборидан четда қолаётганими, деган савол пайдо бўлади.

Ёдгорлик ҳақида маълумотларга анча аввал эга бўлсак-да, маблаг масаласи сабабли бу ишлар ортага сурилиб келаётган эди, — дейди тарих фанлари доктори, академик А.Аскарлов. — Қазимша ишлари 2019 йил апрель ойида бошланган. Дастлаб тепалик остида қадимий ҳукмдорнинг қабри ва ўша давр аъёнларига кўра унга қўшиб қўмилган бойликлар бўлса керак, деб тахмин қилгандик.

Натижалар биз кутгандан ҳам аъло бўлди. Боиси, қўлга киритган манбаларимизнинг илмий қиммати ва аҳамияти беқиёс. Ибодатхона харобалари остидан 40 дан зиёд алтар ўчоқ, қурбонлик ҳайвонларини сўйиш учун мўлжалланган турли даврларга оид 10 дан ортиқ тошпичоқ, тошдан ясалган бир неча турдаги санам-маъбудалар, оташпарастлик дини билан боғлиқ турли ашёлар ҳамда муқаддас хаома ичимлигини тайёрлашда



ишлатиладиган ёргичоқлар ва кулоллик буюмлари қолдиқлари топилди. Бу ашёларни ўрганиш илм-фанга қимматли маълумотларни тақдим этади.



ёдгорликларидан ҳам бир неча минг йиллар аввалроққа бориб тақалишини исботлайди. Бу ёзувларни ўқиш, илмий жиҳатдан тадқиқ этиш археология фани изланувчиларнинг галдаги вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Зардуштийликда тош, айниқса, қора тошлар эъзозланган. Тошга ўйиб ишланган расмлар аждодларимизнинг тасаввур олами нақадар кенг бўлганидан, тошга ишлов бериш маҳорати санъат даражасига кўтарилганидан далолат беради. Кашф этилган оташпарастлик ибодатхонаси қадимги Фарғона давлатининг маҳаллий ҳокимликларидан бирининг умумшаҳар диний-мафқуравий маркази бўлиб, илк бор тўлиқ очиб ўрганилди.

Тарихий обидаларни ўрганиш, келажак авлодга етказиш мўҳим вазифалардан саналади. Айниқса, бу каби қадимий обидани ҳозирги ҳолатда сақлаб қолганининг аҳамияти катта. Албатта, бунинг учун зарур чоралар кўрилиши керак. Илмий жамоанинг мақсади ҳам обидани тадқиқ этиш билан бирга мовий осмон остида музейга айлантиришдан иборат эди. Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда Туризм ва маданият мерос вазирлиги кўмагида ёдгорлик усти тўлиқ ёпилиб, сайёҳларга қўлайлик яратиш, қолаверса, топилмаларни зарарланишдан сақлаш мақсадида махсус кўтарма зиналар ўрнатилди.

Ушбу ёдгорлик жуда қадимий бўлгани сабабли нураш ва шўрланиш микдори юқори. Шу боис, бино ичида ҳароратни бир меъёрга сақлаш мўҳим. Ёдгорликни узоқ вақтгача сақлаш мақсадида махсус кимёвий восита билан ишлов бериш, яъни қотириб қўйиш усулидан фойдаланилди. Бу лойиҳани амалга ошириш давомида қилинган яна бир кашфиёт бўлди, десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда ушбу кимёвий воситани таъсирини ўрганиш устида изланишлар олиб

борилмоқда. Натижалар биз кутгандек бўлса, дунё археология фанида тарихий обидаларни сақлаш бўйича туб бурилиш ясалади.

Кувонарлиси, келгусида бу ерда дунё музейшунослик илмида қўлга киритилган ютуқлар ва инновацион технологиялардан унумли фойдаланиб, сайёҳлар учун ажиб масканга айлантириш имконияти мавжуд. Зиёратчиларни қадимий давр муҳитига олиб кириш учун янгича ёндашувлар асосида деворларни махсус инсталляция ва расмлар билан безатиш, галограмалар орқали алтар ўчоқларда ёнаётган оловларни аксантириш, топилмаларни экспозицияда катталаштирилган ҳолда намойиш қилиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, ишлаб чиқилган лойиҳа асосида қурилиш-обodonлаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Ёдгорлик атрофида зиёратчилар учун маданий-маърифий марказлар, кутубхона, савдо шохобчалари ва автотурароҳлар ташкил этилади.

Учтепа-Булоқ-Мозор ёдгорлик мажмуасидан Қурайш она қабри ҳам топилган. Худудда ислон дини кенг ёйилишида жонбозлик кўрсатган, маҳаллий халқ орасида Қора хотун (қадимий туркий тилда "Буюк малика") номи билан машҳур бўлган бу аёлнинг насаби пайғамбаримиз авлодларига бориб тақалади. Қорахонийлар даврида унинг қабри устида муъжаз мақбара барпо этилган ва Учтепа-Булоқ-Мозор қабристонини шу қабр атрофида шаклланди. Афсуски, шўрлар даврида ҳукмрон бўлган атеистик мафқура сабабли Қурайш она мақбараси вайрон қилинди. Шундай бўлса-да, Қурайш онанинг рамзий мақбарасини қуриш зиёратчилар сонини оширишга хизмат қилишини инобатга олган ҳолда бу борадаги лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилиб, туман ҳокимлигига тақдирлар киритилган.

Наманган вилоятида жойлашган бундай тарихий ёдгорликлар ва очик осмон остидаги музейлар мамлакатимизнинг ички ва халқаро миқёсдаги туризм салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864. 81651 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ў.А. яқини — 21:15. Топширилди — 23:20

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзловнар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz